2023-YIL – INSONGA E'TIBOR VA SIFATLI TA'LIM YILI

# Qishloq hayoti

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2023-yil 30-mart, payshanba | № 14 (9230)-son | e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru | @Qishloqhayoti_gazetasi

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар изчиллигини таъминлаш ҳамда фуқароларнинг даромадларини ошириб бориш мақсадида:

1. **2023 йил 1 апрелдан** бошлаб пенсиялар ва нафақалар миқдори **7 фоизга** оширилсин.

2. 2023 йил 1 апрелдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори – ойига **347 000** сўм;

ёшга доир энг кам пенсия миқдори – ойига **677 000** сўм;

ногиронлик пенсиялари, жумладан, иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги ногиронлик пенсиясининг энг кам миқдори – ойига **747 000** сўм;

меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган ногиронлик нафақаси ва болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган нафақа миқдори – ойига **747 000** сўм;

1941–1945 йиллардаги уруш оқибатида ногирон бўлган шахслар ва унинг қатнашчилари, шунингдек, фашистлар концлагерларининг вояга етмаган собиқ маҳбуслари ва Ленинград шаҳри қамал қилинган даврда ишлаган шахсларнинг энг кам пенсия миқдори устамаларни инобатга олган ҳолда – ойига **3 296 000** сўм;

белгиланган ёшга доир энг кам пенсия миқдоридан (677 000 сўмдан) 747 000 сўмгача пенсия олувчиларнинг ёшга доир пенсиялари миқдори – ойига **747 000** сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги фуқароларга бериладиган нафақа миқдори – ойига **535 000** сўм;

иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдори қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда – ойига **535 000** сўм;

ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларнинг парвариши билан банд бўлган боланинг қонуний вакилига бериладиган нафақа миқдори – ойига **535 000** сўм;

боқувчисини йўқотганлик нафақаси олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун нафақа миқдори – ойига **535 000** сўм этиб белгилансин ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун – **198 000** сўмдан қўшилсин;

боқувчисини йўқотганлик пенсияси олувчиларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун пенсиянинг энг кам миқдори – ойига **535 000** сўм этиб белгилансин ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун амалдаги тартибга мувофиқ пенсия тўлансин.

3. **2023 йил 1 майдан** бошлаб бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи миқдори **7 фоизга** оширилсин.

4. 2023 йил 1 майдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори – ойига **980 000** сўм;

базавий ҳисоблаш миқдори – ойига **330 000** сўм этиб белгилансин.

5. Белгилансинки:

бюджет ташкилотлари ходимларининг **иш ҳақларини ошириш билан боғлиқ харажатлар** – Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонунига мувофиқ иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини, шунингдек, айрим хизмат турлари бўйича тарифларни ошириш билан боғлиқ харажатлар учун ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан;

**пенсиялар ва нафақалар миқдорларини ошириш билан боғлиқ харажатлар** – Давлат бюджети ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади.

6. Мазкур Фармон талабларини бажариш учун талаб этиладиган қўшимча маблағлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети харажатларини ошириш ҳисобига молиялаштирилсин.

Иш берувчиларга иш ҳақи миқдорини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган ҳолда тўлашни таъминлаб, иш ҳақи миқдорини меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига мувофиқ ошириш тавсия этилсин.

7. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан биргаликда ушбу Фармоннинг мақсади, вазифалари ва ундан кутилаётган натижаларни оммавий ахборот воситалари, Интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш ишларини ташкил қилсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб иқтисодиёт ва молия вазири Ш.Д.Кудбиев белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** — **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 28 март

---

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ҚАРОРИ

## ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ АГЕНТЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги “**Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида**”ги ПФ–14-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Давлат активларини бошқариш агентлиги **фаолиятининг устувор йўналишлари** 1-иловага мувофиқ;

Давлат активларини бошқариш агентлиги тизими **ташкилотларини қайта ташкил қилиш бўйича чора-тадбирлар режаси** 2-иловага мувофиқ;

Давлат активларини бошқариш агентлигининг **ташкилий тузилмаси** 3-иловага мувофиқ;

Давлат активларини бошқариш соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштириш ва тизим фаолиятини **трансформация қилиш** бўйича **“йўл харитаси”** 4-иловага мувофиқ;

**“Давлат мулки” ахборот тизимига интеграция қилинадиган вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари** рўйхати 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. **2023 йил 1 майдан бошлаб, давлат мулки ҳисобини юритиш**, унинг тўлиқлиги ва тўғрилигини таъминлашнинг қуйидаги **тартиби жорий қилинсин**:

республика мулки бўлган **давлат кўчмас мулклари ва давлат акция пакетлари (улушлари) Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказилади**, бундан Стратегик ислоҳотлар агентлиги, Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига тегишли улушлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

давлат муассасалари ва давлат иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш, шунингдек, давлат улушининг вужудга келиши ва миқдорининг ўзгариши билан боғлиқ таъсис ҳужжатларига киритиладиган ўзгартиришларни давлат рўйхатидан ўтказиш **Давактив агентлигининг тегишли буйруғи мавжуд бўлганда амалга оширилади**;

**(Давоми 2-саҳифада)**

---

## СЕНАТ РАИСИ ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИ БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

**Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Тошкент шаҳрида қатор учрашувлар ўтказди.**

Хусусан, Чилонзор тумани ҳокимлигида Чилонзор, Мирзо Улуғбек, Миробод, Юнусобод туманларининг барча маҳаллаларидаги хотин-қизлар фаоллари билан бўлиб ўтган мулоқотда мамлакатимизда кейинги йилларда амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар ҳақида сўз юритилди. Хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, таълим олишлари, касб-ҳунар ўрганишлари учун шарт-шароитларни яратиш, бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш борасида амалга оширилган ишларга тўхталиб ўтилди. Бу жараёнлар янги таҳрирда тайёрланган Конституция билан мустаҳкамлангани қайд этилди.

Янгиҳаёт туманидаги Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузурида янги ташкил этилган ўқув маркази фаолияти билан танишди. Марказ Янгиҳаёт ва Сергели туманидаги ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини касбга ўқитиш, қайта ўқитиш ва малакасини оширишга ихтисослашган бўлиб, бу ерда фуқаролар 11 касбга ўқитилмоқда.

Марказ тингловчилари ва ўқитувчилари билан кечган мулоқотда янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасида давлат фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, уларни ишсизликдан ҳимоя қилиш, шунингдек, камбағалликни қисқартириш чораларини кўриши мустаҳкамланганига урғу берилди. Қолаверса, давлат фуқароларнинг касбий тайёргарлигини ва қайта тайёрланишини ташкил этиши ҳамда рағбатлантириши акс эттирилгани айтиб ўтилди.

Бу янги норма иш билан таъминланмаган фуқароларни камбағаллик ҳолатига тушиб қолишининг олдини олишга ёки камбағаллик тоифасига кириб қолган фуқароларни ундан чиқариш бўйича давлат томонидан тегишли чоралар кўрилишига конституциявий кафолат сифатида хизмат қилади.

Сенат Раиси Тошкент вилояти аҳолиси билан ҳам мулоқот қилди. Даставвал вилоят ҳокимлигида халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, касаба уюшмалари фаоллари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, ҳоким ёрдамчилари, хотин-қизлар фаоллари, ёшлар етакчилари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари билан учрашув ўтказилди. Иштирокчиларга референдум, янгиланган Конституциянинг мазмун-моҳияти, унга киритилаётган янги модда ва нормалар ҳақида батафсил тушунтириш берилди.

Жумладан, янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасида маҳаллаларга аҳолининг кундалик муаммоларини ҳал қилиш бўйича мустақил қарор қабул қилиш ваколатини бериш, бунинг учун ташкилий ва молиявий имкониятлар яратиш белгиланган. Буларнинг барчаси давлат ҳокимиятида ҳисобдорлик, шаффофлик, самарали қарор қабул қилиш ва унинг натижадорлигини оширишга хизмат қилади.

**(Давоми 2-саҳифада)**

---



## “UZFOOD – 2023” ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ ИШТИРОКЧИЛАРНИ ҚИЗҒИН МУЛОҚОТГА ЧОРЛАДИ

**Пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ“ марказий кўргазмалар мажмуида “Озиқ-овқат маҳсулотлари, ингредиентлар ва ишлаб чиқариш технологиялари – UzFood” халқаро кўргазмаси очилди.**

“Iteca Exhibitions” халқаро кўргазмалар компанияси ва бир қатор расмий ташкилотлар кўмагида ташкил этилган тадбир очилишида сўзга чиққанлар мазкур кўргазма ушбу йўналишда фаолият юритаётган маҳаллий ва хорижий ташкилотлар, компания ва корхоналар ўртасида ўзаро мулоқот ҳамда ҳамкорлик майдонига айланишини қайд этди.

Унда “Iteca Exhibitions” халқаро кўргазмалар компанияси бош директори Нигора Ҳасанованинг таъкидлашича, “UzFood” ўзининг кўп йиллик фаолияти давомида Ўзбекистонда соҳани ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар билан узвийликда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилмоқда.

**(Давоми 2-саҳифада)**

---

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ҚАРОРИ

## ИҚТИСОДИЁТДА ДАВЛАТ ИШТИРОКИНИ ҚИСҚАРТИРИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш, давлат активларини хусусийлаштириш орқали хусусий мулкчиликни кенгайтириш, самарасиз ишлаётган ва истиқболсиз корхоналарни тугатиш юзасидан тизимли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, охирги уч йилда устав фондида давлат улуши мавжуд **300 га яқин** хўжалик жамиятлари ва давлат унитар корхоналари (кейинги ўринларда – давлат иштирокидаги корхоналар) ва **1 600 дан** ортиқ кўчмас мулк объектлари хусусийлаштирилди, **650 дан** ортиқ корхоналар тугатилди ва **160 таси** қайта ташкил этилди.

**(Давоми 2-саҳифада)**

---

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

## ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИДА ФАОЛ



Жорий йилнинг 28 март куни Ўзсаноатқурилишбанк томонидан Навоий вилоятидаги “NAVPROMLITMASH” масъулияти чекланган жамиятига пресс-тур ташкил этилди. У ерда журналистлар барча турдаги саноат тармоқларида кенг қўлланиладиган ҳаво ва мой фильтрлари ишлаб чиқариш қуввати, бу борада ўрнатилган техник ва экологик хавфсизлик талабларинингмувофиқлик жиҳатлари билан таништирилди.

(Давоми 3-саҳифада)

**2023 йил 1 сентябрга қадар давлат ихтиёридаги истироҳат боғларини хатловдан ўтказилади**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ АГЕНТЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**(Боши 1-саҳифада)**

давлат кўчмас мулк объекти ва бўш ер участкалари негизида амалга ошириладиган **давлат-хусусий шериклик лойиҳалари тўғрисидаги маълумотлар** давлат шериги томонидан тегишли битим тузилгандан сўнг ўн кун муддатда **“Давлат мулки” ахборот тизимига киритилади**;

**вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат кўчмас мулки** негизида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва уларни **бегоналаштириш** ҳамда давлат иштирокидаги корхоналар ва улар тизимидаги корхоналарга **учинчи шахслар томонидан инвестиция киритишга оид келишувлари** (битим, шартнома, меморандумлар) **бўйича мажбурий тартибда Давлат активларини бошқариш агентлигининг хулосаси олинади**.

3. Белгилансинки, **2023 йил 1 июлдан бошлаб** давлат иштирокидаги корхоналарда замонавий **корпоратив бошқарув тизимини жорий қилиш**, уларнинг фаолият **самарадорлигини ошириш** ва **дивиденд сиёсатини такомиллаштириш** мақсадида:

давлат иштирокидаги корхоналарнинг **раҳбари ва унинг ўринбосарларини тайинлаш (сайлаш) танлов асосида амалга оширилади**, бундан Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

давлат иштирокидаги корхоналарнинг фаолияти тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган маълумот **“Давлат мулки” ахборот тизимига ўз вақтида тақдим этилмаганда уларнинг ижроия органи раҳбарлари рағбатлантирилишига йўл қўйилмайди**;

давлат улуши бўйича дивиденд миқдори корхонанинг инвестиция лойиҳалари, бизнес-режа кўрсаткичлари ва молиявий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда **давлат иштирокидаги корхоналарнинг давлат улуши бўйича сайланган кузатув кенгаши аъзолари томонидан Давлат активларини бошқариш агентлиги билан келишилган ҳолда акциядорлар (иштирокчилар) умумий йиғилишига тавсия этилади**.

4. **2023 йил 1 июлдан бошлаб**, давлат органлари ва муассасалари, давлат иштирокидаги корхоналар маъмурий биноларидан ходимлар учун белгиланган меъёрдан келиб чиқиб, **самарали фойдаланиш тартиби** жорий этилсин.

Бунда, давлат органлари ва муассасалари, давлат иштирокидаги корхоналарнинг маъмурий биноларида тижорат ташкилотларини **“ноль” ставкада ёки тўғридан-тўғри жойлаштиришга йўл қўйилмайди**, мазкур биноларнинг бўш майдонлари **ижарага бериш учун электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқарилади** ва ижара шартномалари солиқ органларининг **“E-ijara” электрон тизимида рўйхатдан ўтказилади**.

5. Давлат активлари, уларни бошқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида **жамоатчиликни хабардор қилишнинг қуйидаги янги тизими жорий қилинсин**:

давлат кўчмас мулк объектлари, давлат улуши, давлат унитар корхоналари ва давлат муассасалари ҳамда уларга тегишли автотранспорт воситалари тўғрисидаги маълумотлар **Давлат активларини бошқариш агентлигининг расмий веб-сайтида реал вақт режимида эълон қилинади**, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно;

давлат иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодиётдаги ўрни ва улуши, молиявий натижалари, бизнес-режа кўрсаткичлари бажарилиши ва бошқа муҳим ахборотларни ўз ичига олувчи **давлат иштирокидаги корхоналарнинг йиғма ҳисоботи ҳар йили 1 августга қадар Давлат активларини бошқариш агентлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинади**;

**2023 йил 1 октябргача “Давлат мулки объектлари билан савдоларни ўтказиш тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш портали”** яратилади, унда барча давлат мулки объектларини савдога чиқариш ва унинг натижалари тўғрисидаги ахборотлар жойлаштирилади ҳамда ушбу тизим солиқ органларининг ахборот тизимига интеграция қилинади.

6. Белгилансинки, “E-auksion” электрон савдо платформасида:

хусусий мулкдорлар буюртмасига асосан уларнинг мулкларини соддалаштирилган тартиб ва муддатларда сотиш бўйича **савдолар ўтказилади**;

**2023 йил 1 сентябрдан бошлаб давлат иштирокидаги корхоналарнинг бўш пул маблағларини депозитга жойлаштириш бўйича** тижорат банклари ўртасида фоиз ошиб бориш тарзида банк капитали етарлилиги, банк капиталининг унинг мажбуриятларига нисбати, ликвидлилик коэффициенти каби шартларни назарда тутган ҳолда **аукцион савдолари ўтказилади**.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 24 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# ИҚТИСОДИЁТДА ДАВЛАТ ИШТИРОКИНИ ҚИСҚАРТИРИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**(Боши 1-саҳифада)**

Хусусий сектор муваффақиятли фаолият кўрсатаётган ва рақобат ривожланган соҳаларда давлат иштирокини янада қисқартириш мақсадида:

1. Давлат активларини бошқариш агентлиги (кейинги ўринларда –Давактив агентлиги) томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, вазирлик ва идоралар, давлат иштирокидаги корхоналар билан биргаликда **30 мингдан** ортиқ давлат муассасалари, давлат иштирокидаги корхоналар ва уларнинг тизим корхоналари ҳамда кўчмас мулк объектлари **таҳлил қилиниб, уларни қисқартириш** бўйича таклиф ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Қуйидагилар:

**оммавий савдолар орқали тўлиқлигича сотиладиган 1 001 та корхонанинг** акция пакетлари (улушлари) рўйхати 1-иловага мувофиқ;

акция пакетлари **“битта акция – битта лот”** тамойили асосида **халқ IPOсини ўтказиш тартибида** оммавий савдолар орқали сотиладиган **40 та корхоналар** рўйхати 1а-иловага мувофиқ;

оммавий савдолар орқали сотиладиган **1 046 та давлат ва давлат иштирокидаги корхоналарнинг кўчмас мулк объектлари** рўйхати 2-иловага мувофиқ;

**муниципал мулк объектларини белгилаш мезонлари** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, мазкур қарорга 1а-иловадаги давлат акция пакетларини сотиш доирасида:

энг яхши таклифларни танлаб олиш асосида **профессионал ташкилотлар** савдо жараёнларини ташкил этиш учун жалб этилиши мумкин;

маҳаллий инвесторларга **“E-auksion” электрон савдо платформаси, шу жумладан, мобил иловаси орқали реал вақт режимида** уларни идентификация қилиш, инвестиция воситачилари билан шартнома тузиш ва депо ҳисобрақамини очиш имконияти яратилади;

акцияларни сотиб олишда “E-auksion” электрон савдо платформасида барча инвестиция воситачилари ва уларнинг мижозлари иштирок этиши учун **тенг шароитлар яратилади**;

акцияларни сотиб олиш учун электрон аризалар маҳаллий инвесторнинг ўзи томонидан ёки инвесторлар номидан ҳаракат қилувчи инвестиция воситачиси орқали берилиши мумкин;

онлайн аукционлар якунларига кўра олди-сотди шартномалари қимматли қоғозлар савдолари ташкилотчиларининг савдо майдончаларидан ташқарида рўйхатдан ўтказилади ва унинг натижаси тўғрисидаги **маълумот инвесторнинг шахсий кабинетига юборилади**.

3. Давлат мулкини сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссияси **Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш давлат комиссияси** деб қайта номлансин ҳамда унинг янгиланган таркиби 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш давлат комиссияси (А.Арипов):

**икки ҳафта муддатда** мазкур қарорга 1-, 1а- ва 2-иловалардаги активларни **2023 йилда савдога чиқариш графикларини** тасдиқласин;

активларни савдога чиқаришда, зарурат бўлганда уларнинг амалдаги фаолият йўналишини сақлаб қолиш ёки негизида маълум бир йўналишдаги фаолиятни ташкил этиш каби шартларнинг белгиланишини инобатга олсин;

**бир ой муддатда** 1а-иловада белгиланган корхоналарнинг акцияларини халқ IPOсини ўтказиш асосида сотиш тартибини тасдиқласин.

4. Давактив агентлигининг “Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш” АЖ ва “Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси” АЖнинг **камида 10 фоиз акцияларини маҳаллий фонд бозорида халқ IPOсини ўтказиш орқали оммавий жойлаштириш** тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

5. Белгилансинки:

а) фонд биржасига чиқарилган давлат акция пакетларини сотишга ва олди-сотди шартномасини расмийлаштиришга **фақат савдо жараёнларида камида иккита иштирокчи қатнашганда рухсат берилади**;

б) барча давлат муассасаларининг асосий воситаларини сотиш ёки ижарага бериш **“E-auksion” электрон савдо платформаси орқали амалга оширилади**;

в) **2023 йил 1 июлдан бошлаб**, жисмоний шахсларга **“Давлат мулки” ахборот тизими орқали** майдони 2 000 метр квадратгача бўлган давлат кўчмас мулк объектларини **хусусийлаштириш ёки ижарага бериш учун тўғридан-тўғри онлайн аукцион савдоларига чиқариш бўйича ариза бериш ҳуқуқи берилади;**

г) **2023 йил 1 сентябрдан бошлаб:**

кўчмас мулк объектлари ва давлат улушлари хусусийлаштирилганлиги тўғрисидаги давлат намунасидаги **ордер ва сертификат** Давлат хизматлари марказлари ва (ёки) Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали **QR-код қўйилган ҳолда берилади**;

онлайн аукцион савдоларида давлат мулки объектларини сотиб олган харидорлар билан шартномалар савдо натижаси бўйича баённома асосида **“E-auksion” электрон савдо платформасида электрон шаклда (шу жумладан, электрон рақамли имзо орқали) расмийлаштирилади**;

ҳар чоракда тегишли вазирлик ва идоралар ходимларининг жойига чиққан ҳолда инвестиция мажбуриятларининг бажарилишини **оралиқ мониторинг қилиш тартиби бекор қилинади**;

инвестиция мажбуриятларининг бажарилиши тўғрисидаги **ҳисоботларни қоғоз шаклида тақдим этиш тартиби бекор қилиниб**, **тегишли давлат органлари ва ташкилотларнинг электрон базасини “Давлат мулки” ахборот тизимига интеграция қилиш** тадбиркорлар электрон тизимга киритадиган маълумотлар орқали ҳисоботларни олиш йўлга қўйилади.

6. Вазирлар Маҳкамаси:

а) **икки ҳафта муддатда** тугатиладиган ва қайта ташкил этиладиган давлат иштирокидаги корхоналар ва давлат муассасалари рўйхати;

б) **уч ой муддатда** мазкур қарорга 3-иловага мувофиқ муниципал мулк объектларини белгилаш мезонларини инобатга олиб:

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларига асосан тасарруф этиладиган республика мулкларининг рўйхати;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳри Кенгашлари ҳамда улар билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари томонидан тасарруф этиладиган давлат мулки объектларининг рўйхати тасдиқланишини таъминласин.

7. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси Давактив агентлиги билан биргаликда мазкур қарорга 1-иловада келтирилган корхоналарга берилган эксклюзив ҳуқуқларни хатловдан ўтказиб, уларни бекор қилиш бўйича таклифлар киритиб борсин.

8. Давактив агентлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда **2023 йил 1 сентябрга қадар** давлат ихтиёридаги истироҳат боғларини хатловдан ўтказиб, уларнинг фаолиятини тубдан такомиллаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

Бунда, ҳудудлардаги барча давлат истироҳат боғларининг тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузурида давлат муассасаси шаклида “Истироҳат боғларини бошқариш дирекциялари”ни ташкил этган ҳолда уларга ўтказилиши назарда тутилсин.

9. Давактив агентлиги (А.Ортиқов):

а) **2023 йил 1 июнга қадар** майдони 2 000 метр квадратгача бўлган давлат кўчмас мулк объектларини жисмоний шахслар аризалари бўйича хусусийлаштириш ёки ижарага бериш учун тўғридан-тўғри онлайн-аукцион савдоларига чиқариш тартибини тасдиқласин;

б) қуйидагиларни:

**2023 йил 1 июлга қадар** республика мулки ва маъмурий-ҳудудий тузилмалар мулки (муниципал мулк) объектларини бошқариш тўғрисидаги қарор лойиҳасини;

**2023 йил 1 августга қадар** Адлия вазирлиги билан биргаликда Давлат уй-жой фондига қарашли уйдаги квартирага (уйнинг бир қисмига) мулк ҳуқуқини эътироф этиш ваколатини маҳаллий ҳокимликларга ўтказишни назарда тутган ҳолда, Давлат уй-жой фондига қарашли уйдаги квартирани (уйнинг бир қисмини) хусусийлаштириш бўйича ягона давлат хизматларини кўрсатиш бўйича маъмурий регламент лойиҳасини;

**уч ой муддатда** манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 24 март

# СЕНАТ РАИСИ ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИ БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

**(Боши 1-саҳифада)**

Юқори Чирчиқ туманида маҳаллий Кенгаш депутатлари, касаба уюшмалари ва хотин-қизлар фаоллари, маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари билан учрашув ўтказилиб, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишларга эътибор қаратилди.

Туманнинг “Маърифат” маҳалласи ҳудудида жойлашган “Хотин-қизлар бандлигини ошириш ва саломатлигини мустаҳкамлаш маркази” фаолияти билан танишилди. Марказ тингловчилари билан мулоқот ўтказилди.

Сенат Раиси Қибрай туманининг “Нурафшон” маҳалласида ташкил этилган Оила ва хотин-қизлар бўлими ҳузуридаги “Хотин-қизларни ўқитиш ва қўллаб-қувватлаш маркази” фаолияти билан танишди. Туманнинг “Янгиобод” маҳалласи ҳудудида ташкил этилган “Канишка” тўқимачилик корхонасида фаолият олиб бораётган хотин-қизлар билан ҳам суҳбатлашди.

Мазкур мулоқотларда Бош қомусимизга киритилаётган нормалар, уларнинг аҳамияти бош мавзу бўлди. Янгиланаётган Конституцияда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари сезиларли даражада кенгайтирилгани таъкидланди.

Жумладан, Конституция экологик ҳуқуқлар, соғлиқни сақлаш, аёллар ва эркаклар тенглиги, эркин ҳаракатланиш, турар ва яшаш жойини эркин танлаш, мамлакатдан чиқиш ва монеликсиз қайтиш, интернетдан фойдаланиш, шахсга доир маълумотлар ҳимояси, олий таълим, бепул юридик ёрдам олиш, уй-жойга эга бўлиш, банк операциялари ва ҳисобварақларининг сир сақланиши, қонунчиликка оид таклиф киритиш каби нормалар билан тўлдирилгани айтиб ўтилди.

**ЎзА**




*Носиржон ҲАЙДАРОВ (ЎзА) олган суратлар.*

# “UZFOOD – 2023”

## ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ ИШТИРОКЧИЛАРНИ ҚИЗҒИН МУЛОҚОТГА ЧОРЛАДИ

**(Боши 1-саҳифада)**

– Ўз навбатида, кўргазманинг асосий мақсади амалга оширилаётган давлат дастурлари ижросини таъминлашдир. Яъни, бу аҳолини сифатли озиқ-овқат билан таъминлаш, замонавий технологиялардан кенг фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва экспорт салоҳиятни ошириш билан боғлиқ. Шу боис, “UzFood – 2023” анъанавий равишда озиқ-овқат ва қайта ишлаш саноати, қадоқлаш ва сақлаш учун энг янги ускуналар ва технологиялар, озиқ-овқат ва ичимликларнинг кенг ассортиментини тақдим этмоқда. Кўргазма тақдимоти 26 мамлакатдан келган 280 дан ортиқ компания томонидан ўтказилаётир. Бу йил кўргазманинг доимий иштирокчилари 60 фоизни, илк бор қатнашаётганлар эса 40 фоизни ташлкил этади, – деди Н.Ҳасанова.

Иштирокчилар кўргазма павильонлари бўлимларида гўшт ва парранда гўшти, сут, қандолат маҳсулотлари, шунингдек, гўштни қайта ишлаш, сут саноати, ёғ-мой ишлаб чиқариш, қандолат саноати, нон ёпиш ва совутиш учун кенг кўламли ускуналар билан танишмоқда.

Масалан, Шри-Ланканинг “Чой кенгаши” стендидан Цейлон чойининг хилма-хил навлари билан нафақат танишиш, балки улардан ичиб ҳам кўриш мумкин. Мазаси бир-биридан фарқ қиладиган чой навлари инсон саломатлигини яхшилаш ва кайфиятини кўтаришда муҳим аҳамиятга эга.

– Биз бугун Москвадан келган ҳамкорларимиз билан биргаликда Цейлон чойларини намойиш қиляпмиз, – деди ўзбекистонлик диллер Холида Мирзаева. – Цейлон чойлари асосан Шри-Ланканинг 7 та ҳудудидан олинади. Қизиғи, ҳар бир ҳududдаги чой плантацияларида етиштириладиган чой навлари сифати ва таъми билан фарқланади. Масалан, сувга яқин ҳудудда етиштириладиган чой навлари таъми юмшоқроқ, тоғли ҳудуддаги хушбўй ва сувдан узоқроқ ҳудуддаги чой навлари эса ўткирроқ таъмли бўлади. Биз, асосан, Шри-Ланканинг “Тудор” чойининг Ўзбекистондаги диллеримиз. Биз ҳар доим кўргазмада қатнашамиз. Бугун ўз ишини бошлаган “UzFood – 2023” ҳам биз учун ҳамкорлар топишда яхши кўмак берадиган халқаро ва нуфузли тадбирдир.

Кўргазмада Беларусь Республикасидаги “Берестейский пекарь” очиқ акциядорлик жамияти ўзининг нон ва қандолат маҳсулотларини намойиш қилмоқда.

– Кўргазмада илк бор иштирок этмоқдамиз. Лекин кўплаб ҳамкорлар топиш ниятидамиз. Корхонамиз ҳақида тўхталадиган бўлсам, у ўзининг қарийб юз йиллик тарихи ва тажрибасига эга. 1924 йилда ўз фаолиятини бошлаган корхона бугунги кунда 1 минг 500 дан ортиқ хилдаги нон ва қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқармоқда, – деди “Берестейский пекарь” ОАЖ бош директори савдо масалалари бўйича ўринбосари Юлия Юрчик.

**Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Кутубхона фонди 541 минг 607 та босма нашрга эга

***Китоб – инсоннинг энг яқин дўсти ва маслаҳатчиси, ақл қайроғи ва билим манбаи. Китоб фикрлаш қуроли, хазиналар калити, тафаккур манбаи бўлгани учун ҳам халқимиз уни нондек азиз, мўътабар ва муқаддас ҳисоблаган. Шунинг учун китобга бўлган муҳаббат, уни қадрлаш, ўқишга иштиёқ халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Амир Темур бобомиз айтганларидек, китоб барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл идрокнинг илму-донишнинг асосидир.***



# Тафаккур зиёси таралган МАСКАН

Ҳаётни ўргатувчи мураббийдир. Кейинги йилларда мамлакатимизда бу борада ҳам кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилиб, кутубхоналар фаолиятида катта ижтимоий ўзгаришлар юз бермоқда. Буни "Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази" тасарруфида фаолият юритиб келаётган Республика илмий қишлоқ хўжалиги кутубхонаси мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Мазкур маскан қишлоқ ҳўжалигидаги илмий-техника тараққиётига ҳамда олимлар, мутахассислар ва ёшларнинг билим ва кўникмаларини оширишда фаол кўмакчи вазифасини ўтаб келмоқда. Кутубхона 1929 йил декабрь ойида 7 минг босма нашр фондига эга бўлган илмий-тадқиқот институти кутубхонаси сифатида ташкил топган бўлса, 1992 йилдан "Республика илмий қишлоқ хўжалиги кутубхонаси" номи билан юритилган. Ҳозирги кунда "Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази"га бевосита бўйсунади ва марказ тизими сифатида фаолият юритиб келмоқда.

Айни пайтда кутубхона фонди 541 минг 607 та босма нашрга, қарийб 2 мингдан ортиқ фойдаланувчига эга. Пахтачилик библиографияси ва умуман қишлоқ хўжалиги фанларининг бир қатор йўналишлари бўйича ахборот берувчи даргоҳ ҳисобланади. Кутубхонанинг асосий фондига китоблар ва журналлар, авторефератлар, брошюралар, луғатлар, энциклопедиялар, ноёб китоблар, илмий-тадқиқот институтлари ходимларининг илмий ишлари тўпланган.

"Республика илмий қишлоқ хўжалиги кутубхонаси" ертўла қисмида асосий фонд жойлаштирилган. Кутубхонанинг асосий биносида замонавий компьютерлар билан жиҳозланган электрон ўқув зали ҳамда эркин фойдаланиш майдонлари ташкил этилган. Республикамиз ва чет элларида нашр этилган қишлоқ хўжалигига оид вақтли матбуот (газета ва журнал)дан эркин фойдаланиш, электрон ўқув залидан эса, фойдаланувчилар электрон ресурслар, хорижий илмий баъзалар ҳамда дунё ахборот майдонларидаги маълумотларини олиш имкониятига эгадирлар.

Аграр соҳа бўйича илмий фаолият билан шуғулланувчилар учун муҳим аҳамиятга эга кутубхона фондида қишлоқ хўжалиги тарихига оид ноёб адабиётлар



*Биринчи тоифали кутубхоначи Муслима Абумаликова.*

сақланиб келинмоқда. Шуни қувонч билан айтиш мумкинки, айни пайтда ушбу илм даргоҳи Марказий Осиё пахтачилик библиографиясининг маркази саналади. Илмий кутубхона фондида 1957-1968 йилларда чоп этилган узумчилик, пахтачилик, суғориш тизими, ғаллачилик ва ҳатто анорчилик соҳаларига оид ноёб асарлар сақланмоқда. Илмий кутубхона фондини янги нашр ва адабиётлар билан бойитишда ҳамда хизмат фаолиятини яхшилаш мақсадида миллий марказ тизимидаги илмий-тадқиқот институтлари ўз ҳиссасини қўшиб



*Суратда: (чапдан) китобларни таснифлаш ва каталогларни ташкил қилиш хизмати бўлими бошлиғи Дилфуза Муталова, шу бўлим бош кутубхоначиси Гулхумор Усмонова ва Ахборот-библиография бўлими бош кутубхоначиси Замира Бобоевалар.*

келмоқда. Халқаро ва Республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференция материаллари, чоп этилган услубий қўлланмалар, монографиялар, авторефератлар, мақолалар, семинарлар тўпламлари, соҳага оид нашрлар билан тўлдириб борилмоқда.

Пандемия сабабли 2020 йилдан интернет тармоғида *(t.me/ilmiy_kutubxona2020)* илмий кутубхона масофадан хизмат кўрсатишни йўлга қўйди. Ҳозирда ижтимоий тармоқдаги виртуал каналга Республикамизнинг барча вилоятларидан икки ярим мингдан ортиқ қишлоқ хўжалиги сохасида фаолият юритувчи мутахассислар, илмий-ходимлар, профессор-ўқитувчилар, тадбиркорлар, фермерлар, магистр ва талабалар аъзо бўлди. Кутубхона ходимлари йил давомида фойдаланувчиларга керакли бўлган қишлоқ хўжалигининг барча фан соҳаларига оид электрон шаклдаги монография, тавсия, қўлланма, услубий қўлланма, автореферат, конференция тўпламлари, илмий мақолалар, журнал ва газеталарнинг PDF шакли орқали масофадан туриб хизмат кўрсатиб келмоқда. Кутубхона фаолиятида электрон ресурслардан кенг миқёсда фойдаланиш билимларни умумлаштириш, уларни тарқатиш ва фойдаланишнинг янги даражасини таъминлайди. Ҳозирги вақтда интернет тармоғи орқали тарқатиладиган библиографик маълумотлар базалари кутубхоналарнинг электрон каталоглари фойдаланувчилар учун мавжуд. Электрон каталог тузиш ишлари бўйича IRBIS дастури тармоғига уланиб, ҳозирги вақтда кутубхона ходимлари китобларнинг библиографик тавсифини IRBIS электрон каталог тизимига киритиш жараёнлари амалга оширилмоқда. Ушбу ахборот ресурсларига кириш учун мўлжалланган махсус қидирув тизимлари китобхонларга керакли маълумотларни тезкор равишда излаб топишда ёрдам беради. Кутубхона хорижий электрон журналларига обуна бўлиб, Link, spinger.com сайтида турли мавзудаги қишлоқ хўжалиги соҳасига оид мингдан ортиқ журналлар электрон шаклда юклаб олинмоқда.

Сирасини айтганда, мазкур кутубхона аграр соҳа олимлари, изланувчилар учун катта илмий даргоҳ, тафаккур зиёси тарқатувчи илм маскани бўлиб, унинг имкониятларидан унумли фойдаланиш илм-фан ривожида муҳим аҳамият касб этади.

**Муқаддас АБДУЛҲАЕВА**

# ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИДА ФАОЛ

**(Боши 1-саҳифада)**

Мамлакатимизда ҳар йили тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури доирасида бир неча ўнлаб лойиҳалар амалга оширилади. Бунда илғор технологиялардан фойдаланган ҳолда, маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш, импортни қисқартириш, валютани тежаш ҳамда бандликни таъминлаш каби устувор вазифалар кўзда тутилган.

Навоий шаҳридаги "Жанубий" саноат зонасида мисни қайта ишлаш билан шуғулланиб келаётган "NAVPROMLITMASH" корхонасининг Ўзсаноатқурилишбанк билан ҳамкорликдаги лойиҳаси ҳам маҳаллийлаштириш дастури асосида амалга оширилди.



– Маълумки, вилоятимизда кончилик, металлургия, кимё, энергетика, қурилиш материаллари барқарор ривожланган, – дейди "NAVPROMLITMASH" МЧЖ раҳбари ўринбосари Шерзод Аҳмаджонов. – Мазкур тармоқларда фаолият юритувчи йирик корхоналар яқин вақтгача ҳаво ва мой фильтрларини четдан импорт қилишган. Эндиликда эса, улар учун корхонамиз асосий етказиб берувчи ҳисобланади.

Лойиҳанинг умумий қиймати 25 млрд. сўм, шундан 10 млрд. сўми банк томонидан молиялаштирилди.

Пресс-тур давомида мутахассислар банк кредит маблағи ҳисобига хориждан келтирилган замонавий технологиялар "яшил" иқтисодиёт мезонларига тўла мос келишини таъкидлади. Заводда маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мувофиқлигини текширувчи синов лабораторияси фаолияти йўлга қўйилганлигини қайд этди.

Бугунги кунда корхонада 170дан зиёд иш ўрни яратилган бўлиб, шундан 30 таси янги лойиҳага кўра барпо этилди. Йиллик ишлаб чиқариш қуввати 1 000 дона саноат фильтри (5 млрд. сўм) ва 300 минг дона автомобил фильтри (6 млрд. сўм) ни ташкил этади. Маҳсулотларнинг 500 минг долларлик қисми экспортга йўналтирилмоқда.

Пресс-тур дастурига мувофиқ, ОАВ вакиллари учун брифинг ҳам ўтказилди. Унда Ўзсаноатқурилишбанкнинг Навоий вилояти ижтимоий-иқтисодий ҳаётида тутган ўрни, саноатни ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва аҳолига замонавий хизмат кўрсатишда амалга оширилаётган ишлар юзасидан ахборот берилди.

– Ҳудуд ер ости бойликлари бўйича улкан салоҳиятга эга, – дейди "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБнинг Навоий ҳудудий бошқармаси бошлиғи Ф.Қосимов. – Банкимиз томонидан ана шундай ноёб бойликларни қазиб олиш ва қайта ишлашга оид лойиҳаларни молиялаштиришда, бунда корхоналар фаолиятини модернизациялаш, уларни илғор технологиялар билан жиҳозлаш ва айланма маблағлари билан таъминлашда яқиндан кўмаклашиб келинмоқда. Хусусан, ўтган йилда ҳудудий тармоқларимиз томонидан саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳаларидаги 35 та лойиҳага жами 67,4 млрд. сўм ҳажмида кредит маблағлари ажратилди. Бунинг самарасида 600 дан зиёд янги иш ўринлари барпо этилди.

Банкнинг Навоий ҳудудий бошқармаси томонидан мижозларга яратилаётган қулайликлар туфайли унинг асосий кўрсаткичларида ҳам сезиларли даражада ўсиш кузатилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, кредит портфели ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5 фоизга ортиб, 1,3 трлн. сўмни, депозит базаси 34 фоизга ошиб, 336,2 млрд. сўмни ташкил қилди. Масофавий банк хизматларидан фойдаланувчи хўжалик юритувчи субъектлар сони мингтага етди. 2022 йилда ўтган даврга нисбатан 260 фоизга кўп соф фойда олинди.

**Банк ахборот хизмати**



САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

# ЁШ ШАХМАТЧИЛАР БЕЛЛАШДИ

Самарқанд шаҳрида вилоят енгил атлетика ва спортнинг ўйин турларига ихтисослашган спорт мактаби ҳамда Ўзбекистон шахмат федерацияси Самарқанд вилояти ҳудудий бўлими, "Afrosiyob SHess Klub" MCHJ ташаббуси билан спортнинг шахмат тури бўйича ўғил болалар ўртасида очиқ квалификацион мусобақа бўлиб ўтди.

Уч кун давом этган танловда, шахмат клубларининг 80 нафар аъзоси ғолиблик учун куч синашдилар. Мусобақа якунига кўра, "Afrosiyob SHess Klub" MCHJ шахмат клуби аъзоси Фирдавс Ғаниев фахрли биринчи ўринни эгаллади.

**Акбар НОСИРОВ,**
*"Afrosiyob SHess Klub" МЧЖ раҳбари.*

# БУ ТАРИХИЙ ВОҚЕА БИР УМР ЁДИМДА ҚОЛАДИ...

***Эндигина овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган сайловчининг кўнглида мен биринчи марта овоз бераяпман, демак, менинг овозим бор ва мен юртимизнинг эртанги тақдири ҳақида жиддий ўйлаб кўриб, кейин қарор қабул қилишим керак, деган фикрни уйғотишимиз керак.***

Афсуски, орамизда менинг овозим нимани ҳам ҳал этарди, деб ўйловчилар ҳам йўқ эмас. Агар минглаб сайловчи шундай деб ўйласачи... Демак, ҳар бир овоз берувчи фуқаро ўз овози Конституциямиз тақдирини ҳал қилишда таъсир кўрсатишини англаши керак. Ўйлаймизки, ўз тақдирини мамлакат тақдирига чамбарчас боғлаган ҳар бир ёш сайловчи яқинлашиб келаётган сайлов жараёнларида фаол иштирок этиб, сайловга бефарқ қарамайди. Чунки бу референдум мамлакатимизнинг тақдирига, касбу коримиз, ёшимиздан қатъий назар ҳар биримизга дахлдор масала. Шундай экан, юртнинг бугуни ва эртанги куни билан боғлиқ масала ҳал бўладиган референдумда ҳар бир фуқаро фаоллик ҳамда масъулият билан иштирок этиши лозим. Бу жараёнда ўз мустақил фикримиз, мустақил фуқаролик позициямиз бўлиши керак. Конституциямиздаги янгиланган моддалар юртимиз ва халқимиз учун манфаатли бўлади, деган умиддаман. Шахсан мен мамлакатимиз келажагини белгилашдек муҳим жараёнда ўз овозим билан қатнашиш имкониятига эга бўлганимдан хурсандман. Бу аввало менинг жамиятдаги сиёсий жараёнларнинг тенг ҳуқуқли иштирокчиси эканлигимни англатади. Демак, менинг овозим ҳам давлатни, ҳам жамиятни бошқаришда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис ҳам Конституциямиз учун овоз беришни мақсад қилдим.

**Отабек ҚОБИЛОВ,**
*Чуст тумани Тинчлик маҳалласи ёшлар етакчиси.*

# САФ КЎРИГИ ЎТКАЗИЛДИ

***Фавқулодда вазиятларни бартарф қилиш ва фуқаро муҳофазаси ойлиги доирасида Сергели туманида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.***



Яқинда бўлиб ўтган механизация ишлари йиғма командасининг саф кўриги ҳам шулар жумласидандир. Ушбу саф кўригида Сергели тумани Фавқулодда вазиятлар бўлими, Ободонлаштириш бўлими, Каналлар бўлими, "Тошиссиққуввати" ДУК бўлими, Ҳудудгазтаъминоти, туман электр таъминоти корхонаси, туман тиббиёт бирлашмаси каби ташкилотлардан жами 186 нафар шахсий таркиб, 26 та техника иштирок этди. Фуқаро муҳофазаси тузилмалари механизациялаш ишлари йиғма командасига бириктирилган техникалар белгиланган асбоб-анжомлар билан таъминлангани кўрилди.

**Н.ЭГАМБЕРДИЕВ,**
*Сергели тумани ФВБ 10-ЙҚҚ смена бошлиғи, лейтенант.*

*Эълон*

## Мустақил аудиторлик ташкилотлари диққатига! Танловда қатнашинг!

**"Ўзмелиомашлизинг" давлат унитар корхонаси ўзининг 2022 йил молия-хўжалик фаолияти натижаларини йиллик мажбурий аудит текширувидан ўтказишга, аудит ташкилотлари ўртасида танлов ўтказишга танлов эълон қилади.**

**Аудиторлик ташкилотлари қуйидаги талабларга мос бўлиши зарур:**

– Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан аудиторлик фаолиятини амалга оширишга берилган лицензияга ва фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш полисига эга бўлиши;

– устав жамғармасида давлат улуши 50 фоиздан кўп бўлган корхоналарда ташқи аудит ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган аудиторлик ташкилотлари рўйхатида бўлиши;

– йирик корхоналарда, шу жумладан, лизинг ташкилотларида ҳам, аудит хизматлари ўтказиш тажрибаси ва етарли малакадаги ходимлар бўлиши;

**Танловда қатнашиш учун талабгор қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:**

– талабгор аудиторлик ташкилотининг лицензияси ва гувоҳномаси нусхаси;

– талабгор аудиторлик ташкилоти раҳбари ва аудиторларнинг амалдаги малака сертификатлари нусхаси.

Аризалар, кўрсатиладиган аудиторлик хизматлари учун тўланадиган қиймат белгиланган ҳолда, қуйида келтириладиган манзилда, 2023 йил 14 апрел маҳаллий вақт билан соат 16-00 гача бўлган муддатда қабул қилинади.

Юзага келадиган саволлар юзасидан +998 78 150-36-11 рақами бўйича шанба ва якшанбадан ташқари, соат 9:00 дан 16:00 гача мурожаат қилишингиз мумкин.

Белгиланган вақтдан кейин тушган аризалар эътиборга олинмайди.

**"Ўзмелиомашлизинг" ДУК манзили:**
100 000. Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Новза кўчаси -14.
Телефон/факс +998 71 239 46 24.

"NODIRBEK SAVDO BUSINESS" МЧЖ (СТИР: 305331423) ўз фаолиятини бирлаштириш йўли билан "KUMUSH 999" МЧЖ (СТИР: 309531073)га қўшилишини маълум қилади. Бундан кейин "KUMUSH 999" масъулияти чекланган жамияти "NODIRBEK SAVDO BUSINESS" масъулияти чекланган жамиятининг барча мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Даъво ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой мобайнида Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри А.Навоий шоҳ кўчаси 135-уйда ёки +998981266797 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани ТТЗ-1 даҳаси 18-уй 51-хонадон эгаси Холмаматов Саидқул Қаҳрамон ўғли номига берилган уй-кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

2005 йил 28 июнда Мирзаев Абдуалим Машрабович номига берилган №09-02/11944 рақамли давлат далолатномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ҳажвия ва ҳангомалари рус, инглиз, турк, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ тилларига таржима қилинган

# Ҳажвчи адиб Ҳабиб СИДДИҚ 70 ёшда



*Ҳабиб СИДДИҚ 1953 йилда Андижон туманининг Бўтақора қишлоғида туғилган. Андижон пахтачилик (ҳозирги қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар) институтини битирган. Мазкур институтда илмий-педагогик фаолият билан шуғулланиб келади. Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, доцент. Ҳозирда Халқаро Амир Темур хайрия жамоат фонди Андижон вилояти бўлими раҳбари. “Кар қулоққа танбур”, “Ким ошди савдоси”, “Бедаво дарднинг давоси”, “Инглизча туш”, “Чироғи ёниқ хонадон”(сайланма), “Нимкоса”, “И смех, и грех”, “Нымкесе”(қирғиз тилида) каби ўн бешга яқин китоблар, “Яхшилар кўп дунёда”, “Лаббай, хўжайин...” номли қиссалар, “Ҳаёт йўлга ўхшайди” публицистик мақолалар тўплами муаллифи. Ҳажвия ва ҳангомалари рус, инглиз, турк, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ тилларига таржима қилинган. Асарлари асосида йигирмадан ортиқ телеминиатюралар, “Чўғ”, “Кичик корхонанинг катта ҳангомаси”, “Тақдирлар” видеофильмлари тасвирга олинган.*

*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. “Шуҳрат” медали соҳиби.*

*Кўп йиллардан буён ижодий, илмий-педагогик, тарғиботчилик ва ташкилотчилик салоҳияти билан ёшларни истиқлол мафкураси руҳида, баркамол авлод қилиб тарбиялашда фаол иштирок этиб келмоқда.*

*Таниқли ҳажвчи ёзувчи, олим, публицист ва таржимон Ҳабиб СИДДИҚни қутлуғ ёши билан муборакбод этиб, ижодидан намуналарни газетхонларимиз эътиборига ҳавола қилмоқдамиз.*

## “Тежамкор” эр

*(Ҳажвия)*

Дарвозадан кириб келган эрнинг кўзи ҳовли супураётган хотинига тушди-ю, хуноби ошиб, пешонаси тиришди.

– Ҳай-ҳай, эсинг жойидами ўзи?..

– Ие, келдингизми, дадаси. Қарамай қолибман-а?..

– Шунақада, қарамай қоласан. Қилаётган ишингни қара-я!

– Ҳа, нима қилибман,- хайрон бўлди хотин.

– Ахир шунақа қилиб ҳам супурасанми?..

– Тушунмадим.

– Нимасини тушунмайсан?.. Бунақа супурингга супурги чидайдими?.. Тўрт кунда ейилиб тугайди-ку!

– Ҳа-а, шунгами?

– Шунга-да! Супургини эҳтиёт қил, деб сенга неча марта айтганман. Қара буни аҳволини, хотинининг қўлидаги супургига ишора қилиб давом этди. – Бозордан олиб келганингга ҳали икки йил ҳам бўлмай ярми ейилиб кетибди. Аста, оҳисталик билан супурсанг, узоқроқ муддатга етади.

– Хўп, дадажониси, – дея жилмайди хотин эрининг феълини яхши билгани учун гапни чўзмай.

– Хўп, дейсану ўз билганингдан қолмайсан.

Четроқда турган полиэтилен халтачага кўзи тушиб яна жиғибийрони чиқди:

– Ие, манави нима-си энди?

– Пўчоқ.

– Кўриб турибман пўчоқ! Лекин, буни қара, қандай қалин арчибсан. Мен сенга неча марта айтганман, сабзи билан картошканинг пўчоғини юпқароқ арч, деб. Неча йилдан буён сенга ўргатолмадим. Ҳалиям қалин-қалин арчиб, қанча сабзавотни бошига етдинг, хотин.

– Вой-вой, шунга шунчами?..

– Ие, бўлмасамчи?.. Анави ўн тўрт йил аввал олган катак кўйлагимни ҳам ора кунда тоғорага солиб юваверив рангини ўчириб юбординг. Бўлмаса ҳали анча кийишим мумкин эди. Эҳтиёт қилишни билмайсан, хотин.

– Хўп, дадаси. Энди эҳтиёт қиламан, – деди хотин бир ютиниб.

– Э-э, сен неча марта айтгансан буни. Лекин амал қилмайсан.

Деразага қараб, бир нима эсига тушгандай:

– Ҳа, дарвоқе, ўтган куни манави ойналарни артдинг-а?

– Ҳа, артдим.

– Шунақа қаттиқ артдингки, ўша пайтда ойналар юпқалашиб тешилиб қолмасайди, деб юрагимни ҳовучлаб ўтирдим. Са-ал секинроқ-да, ахир. Бу уй, бу ойналар отамдан қолган-а!.. Пулинг куймаганда, қадрига етмайсан.

– Бирам ваҳимачисиз, дадаси.

– Ваҳимачилик эмас бу, эҳтиёткорлик, хотин. Сенга ўргатолмай ҳалакман. Бугун нима овқат қиляпсизлар?

– Манти қиляпмиз.

– Ҳа, яхши. Хойнаҳой кўк мантидир ё картошкалими?

– Йўқ, гўштли.

Эрнинг жаҳли чиқиб овози бир парда кўтарилди:

– Ие, сенга айтгандимку, гўштни эҳтиёт қил, меҳмон-пеҳмон келганда ишлатамиз, деб. Ўзимизга ана кўкларданми, жа-а бўлмаса картошка ё қовоқдан қилсанг бўларди.

– Бир гўштлик манти еилик, дедим-да, дадаси, – деди хотин вазиятни юмшатиш учун ялинчоқ оҳангда. Сал ҳовридан тушган эр фикрларини далиллаша тушди:

– Кўп гўшт есанг қон босиминг кўтарилади-ку, ахир. Ана унда дорихонага қатнаб пойабзалимнинг таги емирилади. Дори-дармонни нархини биласанми ўзи? Осмонга чиқиб кетган. Бунақада уйимни куйдирасан-ку, хотин.

Бирдан хотинининг оёқ кийимига кўзи тушиб яна сўроққа тутади:

– Ие, онаси, шиппак олибсанми?

– Ҳа, олдим. Ярашибдими, – деди хотин оёғини сал кўтариб.

– Ярашибдими, дейсан-а?.. Нима кераги бор эди шу матоҳни?.. Ана омборхонада эски калишим ётибди-ку. Орқа тарафини қайчилаб олиб ташласанг, бинойидек шиппак бўларди. Бемалол уч-тўрт йил судраб турсанг бўларди.

– Во-ой, шуни қаранг-а?.. – дея кесатди хотин.

– Мен сенга эрталаб ишга кетаётганимизда газни, чироқни ўчириб, сув жўмракларини беркитиб кет, деб доим тайинлайман.

– Шундай қиляпман ўзим ҳам, дадаси.

– Энди ишга кетаётганингда анави девордаги соатни ҳам тўхтатиб қўйиб кетасан.

– Во-ой, нега?

– Ҳаммамиз ишга кетганимиздан кейин унинг юриб туриши кимга керак. Ахир, юрганда унинг мурватлари ейилади-ку, эси паст хотин. Ишдан қайтгач яна юргизиб қўяверасан-да.

– Вой бўй, намунча энди?..

– Тежамкорликни ўрган, хотин, тежамкорликни!

Бирдан бир нарса эсига тушгандай кўзлари порлаган хотиннинг супургиси қўлидан тушиб кетди, “Ҳозир, дадаси” деганича тезгина уйга кириб кетиб, бироз ўтгач қўлида галстук билан чиқиб келди.

– Мана, кўриб қўйинг, дадаси.

– Нимасини кўраман, – деди эр беписандлик билан.

– Галстук! Бир тақиб кўрасизми?

– Энди бунга ҳам пул сарфлаганингни айтиб қон босимимни кўтармоқчимисан?

– Йў-йўқ, дадаси, – деди хотин нозланиброқ. – Ўзимнинг эски кўйлагимдан сизга галстук тикиб қўйдим. Тежамкорлигимга энди қойил қоларсиз, дадажониси.

Эрнинг башараси баттар тундлашди.

– Э-э, мутлақо қойил эмасман.

– Ие, нега, – деди хотин ўксиниб.

– Мен сенинг тежамкорлигингга қачон тан беришим мумкинлигини айтайми?

– Айтинг-чи..., – деди хотин қизиқиш билан.

– Менинг эски галстугимдан ўзингга кўйлак тикиб олганингда!

Хотиннинг оғзи очилиб, овози чиқмай қолади.

## Ижарага ота керакмасми?..

*(Тўқилмаган ҳангома)*

Талабалар етти ухлаб тушингизга кирмайдиган ҳангомаларни ҳам, афсунгарларни-да лол қолдирадиган найрангларни ҳам ўйлаб топишади. Ҳикоя қилмоқчи бўлганимиз воқеа ҳам ана шундан яна бир далолат.

...Аёлнинг кўз ёшини кўриб ректорнинг ҳам кўнгли юмшади. Бўлмаса-ку шунча вақт дарсларда қатнашмаган талабани ҳеч қачон кечирмаган бўларди. Муштипарнинг юракни эзиб юборувчи ҳасрату нолаларидан кейин факультет деканини койиди талабанинг ҳолидан хабар олмаганлиги учун. Ахир, бечора тўрт ойдан буён оғир аҳволда ётган бемор отасига қараш билан овора экан. Оиласи ҳам ночорлигини билишмабди. Муҳокама-ю мунозара анча чўзилиб кетди. Йигит қайта-қайта тавба қилди. Онаизор йиғисини тўхтатолмай ҳиқиллаб-ҳиқиллаб дуо қилган бўлди. Бу орада котиба қиз кириб, ректорга қўшни вилоятдан келган бир киши учрашмоқчилигини ва бироз шошилаётганлигини айтди. Ректор “меҳмон кираверсин”, деб муҳокамага қисқа якун ясади.

Аёл ташқарига чиқиши билан меҳмон кирди. Ректорнинг шогирдларидан бўлган бу одам кирибоқ йигитга кўзи тушиб, ие, Содиқ, сен ҳам шу ердамидинг, дея сўради.

Талаба ярқ этиб меҳмонга қаради, саросимага тушиб, ранги оқариб кетди. Нимадир демоқчи бўлди. Бироқ, тили калимага келмади. Хиёл бош силкиб, шошганича ерга боқиб чиқиб кетди.

Ректор салом-аликдан кейин ҳайрон бўлиб сўради:

– Нима, сиз бу талаба йигитни танийсизми?

– Ҳа, бу, тоғамнинг ўғли-ку!

– Шундай-ми? Тоғангиз тузукмилар ишқилиб?

– Э, зўр. Тоғамни танийсиз, қўшма корхона директори.

– А-а?... Ҳалиги чиқиб кетган аёл келинойингиз экан-да.

– Йўғ-э, у аёлни танимайман.

Ректор ҳайратдан қотиб қолди.

– Ахир, у аёл бир соатдан буён бечора боласининг оғир аҳволда ётган бемор отасига қараб дарсларга келолмаганини, эри ўлиб ўлолмай, тузалиб тузалолмай беҳуш ётганини, ўзи ҳам қийналиб адои тамом бўлганини айтиб йиғлади-ку!

– Йўғ-э!... Тоғам кеча Японияга учиб кетди. Хорижлик ҳамкорлар билан шартнома имзолаши керак экан. Бир айланиб келсин деб, келинойимни ҳам олиб кетди.

Тезда йигит ва аёлни топиб келишга буйруқ бўлди. Йигитни “ёлланган она”си билан қаҳвахонада чақ-чақлашиб ўтирган еридан топишди ва ҳар иккисини зинғиллатиб институтга олиб келишди.

Жиддий суриштирув чоғида сир очилгач, аёл яна йиғлади. Йигитнинг илтимосини рад этолмаганини, кўнгли бўшлигини, вақтинча “она”си бўлиб туришга розилик бериб хато қилганлигини айтиб йиғлади. Лекин, бу гал йиғиси сал ишончсизроқ чиқди.

Талаба йигит эса тўқилка шўхлиги боис боши деворга урилганини англади, энди ҳаммаси тамом бўлганлигини тушуниб, бутунлай бошини кўтаролмади.

Қизиги шундаки, бу ҳол биринчиси эмас экан. Муайян ҳақ эвазига вақтинчалик “муштипар она”, “бечора ота” ролларини ўйнайдиганлар, ўйнатадиганлар ҳам онда-сонда бўлса-да учраб турар экан.

Шундан кейин ҳангоматалаб талабалар ва ўқитувчилар орасида буюртмалар қабул қилинаётганлиги ҳақида ҳазиломуз эълонлар пайдо бўлди: “вақтинчалик она” ҳар соати – 50 минг сўм”, “вақтинчалик ота” ҳар соати – 100 минг сўм”.

## “Ариза ёзаман…”

*(Ҳажвия)*

...Бунақада ишлаб бўладими?... Тўйғазиб юборди-да, ўзиям. Аҳволинг қалай, деб сўрайдиган одам йўқ. Агар шунақа бўлаверса, шартта аризани ёзаман-у…

Аризани ёзай дейман-у… Яқинда ишга келган ёш мутахассис бўлсам. Қийинчиликларга чидамапти, деб ўйлашмайдими?.. Қолаверса, энди уйланадиган йигитга у шохдан бу шохга сакраб юриш ҳам ярашмас дейман-да…

Йигит кишига бир бошпана керак, деб мана шу ҳовлидаги қурилишни бошлаб қўйганман. Чала ётган иморатни битириб олган бўлганимда, ол-э, ишингни деб шартта ариза ёзиб ташлардим.

...Берган маоши-ку йўлкира билан тушликдан ортмайди. Хотиннинг дийдиёси-ю, болаларнинг вағир-вуғиридан сал нари турай деб шу ерга келаман. Бўлмаса-ку, аллақачон аризани ёзиб…

Бўлар-бўлмас машмашалар жонга тегди. Олса шу ишини олади-да. Эсон-омон кенжатойнинг суннат тўйини ўтказиб олсам, елкамнинг чуқури кўрсин шу идорани, деб, шартта ариза ёзаман…

...Аммо айб ўзимизда ҳам бор-да. Эртадан-кечгача эснаб ўтириб, маошнинг озлигидан нолиймиз. Иккинчи томони, ўрганиб қолган жойимиз. Яна невара-чеварали одам ҳали у ерда, ҳали бу ерда ишлаб юрсам ярашмасмикин, деб ўйлаб қоламан.

...Яқинда қиз невара жижилаган. Кампир чеварага ҳали у, ҳали бу оламан деб бошни қотириб турди. Беш-тўрт сўм топиб келмасанг “қиёмат-қойим” анча тезлашиб кетиши мумкин. Бўлмаса-ку, аллақачон аризани ёзиб, оёқни узатиб…

...Ўзиям анчадан бери шартта аризани ёзиб, дам оламан деб юрганди. Насиб қилмаган экан-да. Яхши одам эди, раҳматлик.

## Лаганбардор

*(Митти ҳажв)*

У хўжайинининг этагига ихлос билан ёпишганди. “Содиқ қулингизман, ўзингиздан йироқлаштирманг” дейишдан уялмасди. Шундай пайтларда хўжайин унинг кўнглини кўтарган бўлиб, “қандай йироқлаштирай, ахир биз эту тирноқмиз-ку!” деб қўярди.

Тирноқ эт қаёққа бурса ўша ёққа бурилди. Ҳар хил жойларни кавлашда ҳозиру нозир бўлди. Ковлаш ҳақида топшириқ берилса, бўлди. Ғоҳида хўжайинининг роҳати учун қичишган жойини қашлаш, ул зотнинг хоҳишига қараб бошқаларни тирнаш, жароҳат етказишни ҳам уддаларди. Ҳис-туйғудан бенасиб тирноқ қилмишлари бошқаларга малол келиши, озор етказиши мумкинлигини ҳам англамасди. Ана шундай пок-нопок хизматлари боис доимо бағрида кир тўпланиб қолар, вақти-вақти билан қайчиланиб тозаланарди. Аммо гўлгина, лақмагина, ҳис-туйғудан бенасиб тирноқ хўжайинга пойи патак бўлиш илинжида ўз касбу кори – қашлаш, кавлаш, тирнаш билан шуғулланиб, ўзи билмаган ҳолда бағрини кирга тўлдираверарди.

Бироқ кунларнинг бирида бехосдан келган зарба этни тирноқдан жудо қилди. Аниқроғи тирноқ кўчиб тушди. “Эт” – хўжайин ҳам унга ўрганиб қолган экан, анча вақтгача ўрни билиниб турди. Бироқ яна янги тирноқлар ўсиб чиққач, этидан ажралган, ҳеч қандай қадр-қимматга эга бўлмаган тирноқнинг қаерларда қолиб кетгани ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмади.

*Табиат ва инсон*

*Кўклам нафаси уфуриб қолган. Кунлар узайиб, қуёш тобора ёрқинроқ нур сочмоқда. Ғаллаорол тумани ҳудудидаги Қоровултепа сув омбори соҳилларида турфа хил қушларнинг шовқин-сурони бирдам ҳам тўхтамайди, бир-бирларига жўр бўлишиб қулоқни қоматга келтиради. Қуёш ботгач эса улар ўрнини савсан, бойқуш, укки каби тунги йиртқич “овчи” қушлар эгаллайди.*

## ТУНГИ “ОВЧИ” қушлар



Танаси енгил бойқуш одатда ҳавода овоз чиқармай бирпас муаллақ қанот қоқиб мўлжални олгач, панжаларини бириктирганича шиддат билан ўлжасига ташланади. Унинг бундай зарбасига айниқса, дала сичқонлари осон ўлжа бўлади. Ўлжа кичик бўлсада, полапонлари учун арзигуликдир. Бўрсиқ, жайра, кўрсичқон каби майда кемирувчилар ҳам унинг чангалидан қочиб қутилиши даргумон. Бойқуш камдан-кам ҳолларда қушларга ҳужум қилади. Шунинг учун бўлса керак атрофидаги қушлар унинг тузоғига тушиб қолмаслиги учун тўда-тўда бўлиб учадилар. Йиртқич қуш ҳавода товушсиз учади. Юмшоқ патлари шовқинни пасайтириб, ҳар доим овининг самарали бўлишини таъминлайди. Ўлжа қаерда эканлигини овозига қараб унга ташланади. Ақл бовар қилмайди.

Қатъиятли ва зийрак савсан жозибадор қуш. Сайраши ва ғалати қиёфалари кишини ўзига мафтун этади. Қанотлари танасига нисбатан катта бўлганлигидан ҳавода тез ва сокин уча олади. Бу эса овининг бароридан келишини таъминлайди, албатта. Полапонларига ғамхўр, ҳеч қачон оч қолдирмайди. Турли ҳашарот, чувалчанг ҳамда майда сут эмизувчиларни осонликча тутади. Кучли эшитиш, ўткир кўриш ҳамда парвоз чоғидаги тезкорлиги унинг табиий белгилари ҳисобланади.

Уккилар эса тунда ҳар қандай ҳолатни ифодаловчи турли товушлар чиқариб, ўзаро мулоқат қиладилар. Янги мавсум бошланиши билан улар поёнсиз кенг майдонларда емиш топиш учун галалашиб ҳаракатланишади.

Изғиринли кунлар ортда қолди. Илиқ кунлар бошланиши билан сув омбори соҳилларида ҳаёт қайнайди. Тунги “овчи” қушлар жуфтлигининг ҳаракатлари уйғун. Уларнинг кўпайиш мавсумига саноқли кунлар қолган. Мустақил уя қуриш тадоригини кўришади. Бунда улардан етарли тажриба ҳамда кўп елиб-югуриб, тер тўкиш талаб этилади. Агар мода кўнгли тўлиб, ишончи ортса, ихтиёрини нар қушга беради. Лекин уя қуришда мода қушнинг фикри аҳамиятлидир. Негаки, у танасидаги юкдан қутилгач, тухумларни босишга киришади. Кунлар, ҳафталар ўтиб, тухумлардан чиққан полапонларга мазали емиш керак бўлади. Жўжалар ривожланиб, улғайган сайин сира тўйдим демайди. Кўп емиш топишда ота-онанинг зийрак қулоқлари ва ўткир кўзлари иш беради. Хуллас, тунги “овчи” қушлар ҳаёт тарзи ён атрофдаги барча қушларга ўрнак бўлса арзийди.

Бир куни мактаб ўқувчилари қаровсиз қолган бино томи ёриғидаги қуш уясидан ночор аҳволдаги полапонларни пайқаб, уларни ўқув даргоҳига олиб боришади. Эртаси куни қафасдаги норасидаларга егулик олиб боришганида катталари кичигини таҳқирлаб, тилка-пора қилмоқчи бўлаётганининг устидан чиқиб, хавфдан сақлаб қолишади. Шунда ўқувчилар укки полапонлари оч қолишса, нимжон ва ночор аҳволга тушиб қолганини нимталаб, еб қўйишини англаб етдилар. Кейинчалик улар вояга етиб, учишга мослашган қушчаларни ҳавога қўйиб юборишди.

Вақт ўтган сайин ҳовлидаги бойқуш полапонларига ҳам уя торлик қилиб қолади. Уларнинг момиқ патлари хурпайиб, ҳавода парвоз қилиш, йўналиш олиш ҳамда тўсиқлардан ўтиш сирларини ўзлаштириб, зарур кўникламаларга эга бўлишади. Ҳадемай қушчалар уяларини тарк этишлари керак. Парвоз имконияти уларда устивордир. Лекин учишга бўлган иштиёқи муаммо туғдиради. Мувозанатни сақлаш учун тинимсиз қанот қоқиб, секин-аста, бир маромда уча бошлайдилар. Полапонларнинг кўкрак мускуллари ривожланиб, ҳали тўла кучга кирмаган бўлсалар ҳам ёвуз ва тажавузкорлигин билиш қийин эмасди. Улар ота-она келтирган ҳар бир луқмага бир иттифоқ бўлиб интилишади. Бу эса уларда ака-укачилик муносабатларини белгилаб, муваффақият сари дадил ҳаракатланишга ишонч уйғотади.

**Гўзал ТОХИРОВА,**
*Жиззах шаҳридаги 23-умумтаълим мактаби ўқитувчиси.*

## Рўзадорлик фазилатлари



*Рўза сўзи араб тилида “сиём” деб аталиб, луғатда бир нарсадан ўзини тиймоқликни билдиради. Шариат истилоҳида эса, “тонг отгандан то қуёш ботгунча ният билан рўзани очувчи нарсалардан ўзини тиймоқликдир”. Рўза тутишнинг фойдалари кўп.*

Рўзанинг ҳикматларидан яна бири у туфайли рўзадор соғлигини тиклаб олади ва инсонда Аллоҳни ҳис этиб туриш ҳисси пайдо бўлади. Рўза касалликлардан халос этиши билан бирга, киши баданида тўпланиб қолган турли кераксиз моддалар, ёғлар, тузлар ва бошқа нарсаларни ҳам кетказади. Натижада инсоннинг жисми ҳам, руҳи ҳам енгиллашади, зеҳни ўткир, хотираси кучли, ироди мустаҳкам бўлади.

Рўзанинг фойдали томонларидан яна бири ҳавойи нафсни синдиришдир. Маълумки, нафснинг айтганини қилавериш инсонни унга қул қилиб қўяди. Бора-бора инсон ҳавойи нафси нима деса, шуни қиладиган бўлиб қолади. Рўзадорлик иродани кучайтириб, нафсни жиловлаб олишга эриштиради. Рўзадорнинг қалби мусаффо бўлиши, ёмонлик қилмаслиги ҳам шундан. Ким қалби мусаффо бўлишини хоҳласа, рўза тутсин! Рўзадор сабр-бардошли киши сифатига эга бўлади. Бу эса ҳар бир инсон учун жуда ҳам зарур сифатдир. Ўз ихтиёри ила 30 кун ўзини емоқ-ичмоқдан тийган киши эса керагича сабр бардошга эга бўлади. Рўзадорда раҳм-шафқат сифати мустаҳкамланади. Кимки иймон ва эътиқод билан рўза тутса, Аллоҳ таоло ўша бандани икки дунё саодатига элтувчи бахтга муяссар қилади. Аллоҳ барчамизни икки дунё саодатига муяссар қилиб, ушбу ой барокатидан ва барча фазилатларидан баҳраманд қилсин. Юртимизни тинч, осойишталигимизни барқарор ва барча ўйлаган яхши мақсадларимизга эриштирсин!

**Камолиддин ҲАМРОҚУЛОВ,**
*Норин тумани бош имом-хатиби.*

**Qishloq hayoti**

**МУАССИСЛАР:**
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекси таркибидаги ҳамда бошқа даҳлдор вазирлик ва идоралар.

**Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ**

**Таҳрир ҳайъати:**
Шавкат ҲАМРОЕВ, Азиз ВОИТОВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ, Актам ХАИТОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (*бош муҳаррир ўринбосари*), Раимқул СУЯРОВ (*бош муҳаррир ўринбосари*).

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
НАШР ИНДЕКСИ – 144.
Буюртма Г-340. 2618 нусхада чоп этилди.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефонлар: Қабулхона – (0-371) 236-26-50, 233-09-93, 95-080-43-70, 99-050-69-45.
Реклама ва эълонлар – (0-371) 236-26-50, (0-371) 233-28-04.
e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-7021

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 18.00

Газета “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6